# Карим Юлдашевич ЮЛДАШЕВ



Ўзбекистон тиббиёт фани ва жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Атоқли шифокор-терапевт, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва қатор хорижий мамлакатлар академияларининг фахрий аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Карим Юлдашевич Юлдашев 1999 йил 22 октябр куни 66 ёшида вафот этди.

Академик К.Ю.Юлдашев овқат ҳазм қилиш, юрак қон-томир касалликларини даволаш борасида амалий тиббиёт учун муҳим бўлган илмий ишлар олиб борган ва минглаб беморларни ҳаётга қайтарган шифокор эди.

У 1957 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатиб, шу ерда оддий шифокорликдан ички касалликлар кафедрасининг профессоригача бўлган йўлни босиб ўтди.

Академик К.Ю. Юлдашев 1988 йилдан умрининг охиригача Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтига раҳбарлик қилди. Унинг раҳбарлигида институт илмий ходимлари турли касалликларни физиотерапевтик усуллар билан даволаш ҳамда тиббий тикланишнинг муаммолари устида чуқур илмий изланишлар олиб бордилар. Унинг илмий тадқиқотлари амалий тиббиётнинг кенг доирасидаги клиник физиологияси ва ички аъзоларнинг патологияси, кардиология, гастроэнтерология, пульмонология ва фармакотерапия йўналишларини ўрганишга, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Академик К.Ю. Юлдашев илмий ишларининг натижаларидан республика соғлиқни сақлаш муассасаларидаги тиббий жараёнларда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Академик Карим Юлдашевич Юлдашев 500 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан 22 та илмий рисолалар ва монографиялар муаллифидир. Унинг раҳбарлигида 11 та фан доктори ва ўнлаб фан номзодлари тайёрланди ва улар мустақил илмий фаолият кўрсатиб келишмоқда.

К.Ю. Юлдашев Ватанимиз ҳамда халқимиз олдидаги хизматлари учун кўплаб ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Йирик олим ва таниқли шифокор Карим Юлдашевич Юлдашевнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади.

**И.А.КАРИМОВ, Э.Ҳ.ХАЛИЛОВ, Ў.Т.СУЛТОНОВ, Ҳ.С.КАРАМАТОВ, Т.А.АЛИМОВ, Т.Т.РИСҚИЕВ, Ф.Ғ.НАЗИРОВ, Т.Ж.ЖЎРАЕВ, Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ, Р.А.КАЦЕНОВИЧ, А.Р.РАҲИМЖОНОВ.**

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

*Нима? Қачон? Қаерда?*

## ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

Россия Федерал Хавфсизлик хизмати ва ички ишлар вазирлиги Россиянинг қайси шаҳарларида янги кўпорувчилик актларини содир этилиши режалаштирилаётганлиги ҳақида ишончли маълумотларга эга, дея маълум қилди Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати, жамоатчилик алоқалари маркази раҳбари Александр Зданович. У аҳоли саросимага тушмаслиги учун шаҳарлар номини аниқ айтмади. Шу билан бирга Зданович бу жойларда хавфсизликнинг барча зарурий чора-тадбирлари кўрилаётганлигини алоҳида таъкидлади, дея хабар беради «Интерфакс».

## РАСМИЙ ТАШРИФ

Хитой Халқ Республикаси Раиси Чзян Цземинь Францияга расмий ташрифи чоғида Хитой ядро синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилиши ҳақида баёнот берди. Россиянинг «Янгилик» ахборот агентлиги маълумотига кўра, бу ҳақда Хитой раҳбари Франция Президенти Жак Ширакнинг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида маълум қилган.

## АҚШ ҲАРБИЙ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРМОҚЧИ

Америка Қўшма Штатлари инқироз юз берган тақдирда кўп сонли ҳарбий самолётларини жойлаштириш мақсадида Қувайтдаги ҳарбий базасини кенгайтирмоқчи. Бу ҳақда ғарб ахборот агентликлари АҚШнинг ҳарбий доиралари вакили маълумотига таянган ҳолда хабар берди. Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазири Коэн Яқин Шарқ мамлакатларига қилган расмий ташрифи давомида Американинг Ироққа муносабати масаласини кўриб чиқди, дея хабар беради «Озодлик» радиоси.

**Бугун Туркманистон мустақиллиги куни**

## ҲАМКОРЛИКДА БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ

***Бугун Туркманистон ўз мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлайди. Мазкур сана муносабати билан ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмухамедов ЎзА мухбири Аброр Қиличевга қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Бугун Туркманистон янги минг йилликни ўзининг ҳуқуқий, демократик ва дунёвий жамияти билан қарши олмоқда ва бундан кейин ҳам бу йўлдан оғишмай илдам қадам ташлаши учун барча саъй-ҳаракатларини мустақилликни мустаҳкамлаш учун сарфлаётир. Буларнинг асосида туркман халқининг жаҳон тажрибаси билан уйғунлашиб кетган менталитети ётади. Мамлакатда кенг кўламда амалга оширилаётган ишлар, Туркманбоши томонидан ишлаб чиқилган сиёсий барқарорлик шартлари, ташқи иқтисодий фаолиятда ҳақиқий нейтраллик, очиқ ташқи сиёсат, ўтиш даврида кучли ҳокимият ва демократия, бой заҳиралар ва ақлий салоҳият, ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларни тадрижий ва босқичма-босқич амалга ошириш каби тамойилларига асосланган.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ҳар икки давлат манфаатларига мосдир. Шу боис ҳам давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, аввало, тарихий ва жуғрофий яқинлик, икки давлатнинг ўзаро тенг ва шу билан бирга, манфаатли ҳамкорлиги тараққиёти учун хизмат қилиб келаётир. Шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, президентларимиз Сапармурод Ниёзов билан Ислом Каримовнинг бир-бирига ҳурмат ва ишончи, уларнинг тез-тез учрашиб, ўзаро фикр алмашишлари, икки томонлама муносабатларимизнинг нечоғлик мустаҳкамлигидан далолатдир. Буларнинг барчасини халқларимиз доимо қўллаб-қувватлайди. Бир сўз билан айтганда, дўстлик ва яхши қўшничилик абадий ва бузилмасдир.

Шу йилнинг тўққиз ойи ичида давлатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баробар ўсди. Айниқса, транспорт, коммуникация, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳалари, шунингдек, кимё, нефтгаз саноатида ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари, дунёвий ва минтақавий хавфсизлик масалаларида, хусусан, экстремизм, террорчилик, наркотик моддалар контрабандасига қарши биргаликда кураш борасида ҳам мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган. Зеро, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби масалаларда баҳамжиҳат иш кўриш биродар давлатларнинг ҳар бири учун табиий заруратдир.

# ЮЗИ ЁРУҒ ОДАМЛАР




Навбаҳор туманидаги «Навбаҳор» қишлоқ хўжалик корхонасининг Музаффар Давлатов бошлиқ 1-бригадасида пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бажарилганда, эндигина сентябр ойининг иккинчи ўн кунлиги якунланган эди. Шунга қарамай, 75 гектар майдондан 251 тонна ўрнига 260 тонна юқори нав пахта ҳосили йиғиб-териб олинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 38 центнерни ташкил этди. Бу белгиланганидан 4 центнер кўп эди.

Эртасига бригадир меҳнат ғалабаси ҳақидаги ҳужжатни авайлаб қоғоз жилдига жойлади-ю, суюнчи олиш мақсадида ҳоким бува ҳузурига ошиқди. Ахир туманда биринчи бўлиб режани қойилмақом этиб уддалаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да.

Ҳоким Ғулом Облоқулов уни яхши танирди. Туманда биринчилар қаторида иш юритишнинг ижара пудрати усулини қўллаган бригадир айни Музаффар Давлатов эди.

— Чин кўнглимдан табриклайман, мерган! — деди Ғулом ака уни муборакбод этиб.

Музаффарни ҳамқишлоқлари «мерган» деб чақиришарди. Шу топда ҳокимнинг ҳам бу сўзни алоҳида урғу билан тилга олгани уни тағин-да қувонтириб юборди.

— Ижарачиларингизнинг кўрсаткичлари қандай бўлди? — сўради Ғулом Облоқулов.

— Ҳаммаси маррадан ўзган. Худойберди Қутбиддинов ва Нурбек Бердиевлар эса ҳосилдорликни 42-43 центнердан оширишди.

— Балли! Уларга ташаккуримизни етказинг. Энди ўзингизнинг режангизни билсак бўладими?

— 45 центнерни кўзлаб турибман.

Ҳоким ундан шу сўзни кутганди, севинчини яшира олмади:

— Сизларга мукофот учун бир бош қўй ажратилган, ошнинг бошқа масаллиқлари ҳам олиб борилади. Бугун бир чарчоқларингизни чиқаринглар. Ғолиблар шунга муносиб! — деди.

Кейин бошқа бригадалар, сўнгра «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиги, Охунбобоев номли, «Зарафшон», «Гигант», «Истиқлол» ва С. Жўраев номли жамоа хўжаликлари ҳам бирин-кетин маррага етиб келдилар. Янгиқўрғонликлар йиллик режани 127 фоизга уддалаган бўлсалар, охунбобоевликлар давлатга 3 минг 132 тонна ўрнига 3 минг 700 тонна «оқ олтин» сотишди. Рамазон Жўрақулов, Элмурод Сафаров, Мўмин Ҳусейнов, Парда Жамилов, Воҳид Собиров етакчи бўлган бригадаларда эса ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ҳосил етиштирилди. Дарвоқе, 1-бригада бошлиғи Музаффар Давлатов ҳам ваъдасига вафо қилди.

«Томчидан кўллар ҳосил бўлади» деганларидек, ана шу бригада ва хўжаликларнинг лабзи ҳалол пахтакорлари фидокорона меҳнати билан уйилган хирмон ҳисобига куни кеча Навбаҳор тумани ҳам давлатга пахта сотиш бўйича давлат буюртмасини ошириб адо этди. Қабул пунктларига қарийб 30 минг тонна юқори сифатли саноат хомашёси етказиб берилди.

Биринчи довон забт қилинди. Энди навбаҳорликлар ялпи ҳосил миқдорини 33 минг тоннадан ошириш мақсадида йиғим-теримни давом эттирмоқдалар.

**И. ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА: туман ҳокими Ғулом Облоқулов мавсум илғорларига қимматбаҳо совғаларни топширмоқда; Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг илғор теримчилари Шарофат Очилова, Ҳафиза Усмонова ва Шоира Облоқулова.**

**Х. ШОПЎЛАТОВ**
**олган суратлар.**

### Шоли — 99

# ЯНА 250 ТОННА

**Хазорасплик шоликорлар режадагига қўшимча ана шунча ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилишди**

Хазорасп тумани меҳнаткашлари шоли тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режасини Хоразм вилоятида биринчи бўлиб бажаришди. Давлат қабул пунктларига 1845 тоннадан зиёд ҳосил топширилди.

— Иқтисодий ислоҳотлар туфайли элдошларимизнинг тафаккур ва идроклари янгиланиб бормоқда, — дейди туман ҳокими Ҳабибулла Ибодуллаев. — Бугун деҳқонларимиз учун меҳнат фақат шарафгина эмас, катта манфаат ҳамдир. Шоличиликни ривожлантириш туман иқтисодиётини, аҳоли турмушини яхшилашнинг муҳим омилидир.

Дарҳақиқат, туманда кейинги пайтда шоличиликка муносабат тубдан ўзгарди. Даставвал шоли экиш учун қулай майдонлар танланди. Табиийки, асосий эътибор уруғчиликка қаратилди. Ахир шоликор меҳнатидан манфаатдор бўлгач, рўзғорини тебратгач, юқори ҳосил олишга ҳаракат қилади-да.

Туманнинг минг гектардан зиёд шолизорлари 370 пудратчи қўлида, ўзининг чинакам эгасини топди. «Хоразм», «Хазорасп», «Дўстлик», «Ўзбекистон», А. Ёқубов номли жамоа ҳамда ширкат хўжаликларида 65-80 центнердан хирмон кўтарган Улуғбек Қурбонов, Собир Эгамбердиев, Боғбек Машарипов, Зокир Ражабов, Жаҳонгир Қозоқов, Ражаб Юсуповлар бошлиқ бригадаларнинг фаолияти ҳақиқий соҳибликнинг ёрқин ифодасидир.

— 70 центнердан хирмон кўтардим, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шоҳназар Сўфиев. — Шартнома режасидан зиёд етиштирган 10 тонна шоли ўзимизники бўлди. Эртага режадан ортиқ етиштирилган шоли рўзғоримизга барака бўлиб киради.

Шу ўринда шоликорларга астойдил мададкор бўлган моҳир механизаторлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

«Шуҳрат» медали нишондори Илҳом Қурбонов ана шундай камарбасталардан бири. Унинг бир ўзи 500 тоннадан зиёд ҳосилни тезкорлик ва юқори сифат билан саранжомлаб берди.

— «Кейс»нинг садағаси кетай, — дейди у. — Ишлаб чарчамайсан. Унинг ёрдамида қорли-ёмғирли кунлардан бурун шолимизни йиғиштириб олдик.

Умуман олганда шоличилик туманга бу йил 110 миллион сўмдан зиёд даромад келтиради. Бу даромад хазораспликларнинг бугунги кунда қилаётган меҳнати билан янада зиёда бўлиши табиий. Чунки туман аҳли шартнома режасига қўшимча яна 250 тонна шоли топширишга, уруғликни 200 тоннага етказишга аҳд қилишган. Уларнинг шаҳдлари ҳам шунга яраша.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЛГА БУГУН ҲАШАР ЯРАШАР

Кузнинг олтинга тенг дамлари ўтиб бораяпти. Деҳқон турса ҳам, юрса ҳам пахтасини ўйлайди. Бу фаслда Ўзбекистондаги ҳар бир одамни пахтакор, десак янглишмаймиз. Шаҳарлик ишчи ва зиёли, ўқувчи ва талабалар бугун белларига этак боғлаб деҳқонга кўмакка отланишган.

Меҳнатобод Мирзачўлнинг ишчи кучи бирмунча танқис бўлган туманларидан ҳисобланади. Ҳар йили туманга Фарғона водийсидан минглаб ҳашарчилар ёрдамга келишади. Бу йил ҳам анъана давом этди. Шу кеча-кундузда туманнинг Ғанишер Юнусов, Холмамат Норчаев, Эргаш Қаҳҳоров, Ҳамза номли деҳқон-фермер ва ширкат хўжаликлари далаларида 4,5 мингдан зиёд наманганлик ҳашарчилар йиғим-теримда фаол иштирок этишмоқда.

— Туман раҳбарлари бизларга яхши шарт-шароит яратиб беришди, — дейди наманганликларнинг Меҳнатобод тумани штаби бошлиғи Шермуҳаммад Тўраев. — Уйган хирмонимиз 3,5 минг тоннадан ошди. Илғорларимиз кунига 100-120 килограммдан пахта теришаяпти. Мавсум охиригача умумий хирмонни 10000 тоннага етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳамза номли ширкатлар уюшмаси деҳқонлари туман пахтакорлари орасида карвонбошилик қилишмоқда. Хўжаликда бир кунда 3,5-4 фоиз миқдорида пахта териб олинаётир.

Пахтаси чаман очилган далада талаба қизлар билан мулоқотда бўлдик.

— Исмим Фотима, фамилиям Бойзоқова, — дейди биз суҳбатлашган қиз қувноқлик билан. — Кунига 130 килограммдан пахта тераяпман. Тўрт маротаба пул олдик. Мавсум охиригача 6 тонна пахта тераман, дея сўз берганман.

— Биз ҳам Фотимахондан қолмаслик учун ҳаракат қилаяпмиз, — дея суҳбатга қўшилди Фарида Бобоқулова. — Мана бу дугоналарим Соҳиба Галтемирова, Мавлуда Давлатовалар аллақачон 3 тоннадан пахта териб қўйишди. Ётоқхонамиз шинам, озода. Ўзимизнинг «Зиракча» ансамблимиз кундакунора концерт қўйиб беришаяпти. Ота-оналаримизга ёрдам бераётганимиздан хурсандмиз. Ахир пахта фақат деҳқоннинг эмас, балки ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳам бойлиги, ҳам ифтихоридир...

Шунингдек, туманнинг Холмамат Норчаев, Ғанишер Юнусов номли хўжаликларида бўлганимизда ҳам минглаб наманганлик ва Янгиер шаҳридан келган ҳашарчиларнинг меҳнатини кўриб кўнглимизда уларга тасаннолар айтдик.

Кузнинг ҳар дақиқасини ғанимат билган деҳқонлар, ҳашарчилар бугун ўз ўринларини пахтазорда деб ҳисоблашади. Шу кеча-кундузнинг ҳар куни, ҳар соати олтинга тенг. Бу вақтнинг қадрига етганларнинг эртанги кунда ўз меҳнатларидан албатта кўнгиллари тўлади.

**Х. АЛИҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШАҲРИСАБЗЛИКЛАР ХИРМОНИ

Шаҳрисабз тумани пахтакорлари Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллади. Улар 17 минг 800 тонналик улкан “оқ олтин” хирмонини уйиб, пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Ўртача ҳосилдорлик 30,3 центнерга етди.

Туманда йиғим-терим қизғин давом этмоқда.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

### Зафар сатрлари

# ҚЎШИМЧА 3 МИНГ ТОННА

Гулистон тумани деҳқонлари сўнгги тўрт йил ичида биринчи бор эл хирмонига 29 минг тонна пахта армуғон этиб ғалаба маррасига етиб келдилар.

Бу ютуққа туманнинг «Бешбулоқ», «Уч қаҳрамон», «Ўзбекистон», Амир Темур номли, Усмон Носир номли ҳамда Ҳамид Олимжон номли ширкат ва деҳқон хўжаликлари пахтакорлари муносиб улуш қўшдилар.

Туман пахтакорлари давлатга яна 3 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олишди.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Пахта далаларида




Қисқа, аммо шиддатли ёмғир ёққан куннинг эртасига, соат етти яримда Тўланбой билан учрашадиган бўлувдик, бир соатча кеч кўришдик.

— Тонгга яқин бир-икки соат мизғиб қопман, — деди у хонасидаги курсини кўрсатиб, узр сўрагандай, мени ўтиришга таклиф этаркан. — Пахта режасини бажарганимиз ҳам татимади. Кечқурун бирданига учта «Морал» бузилиб қолса бўладими, йигитлар эрталабгача ишга чиқарворамиз, деб туни билан уриниб чиқишди.

Лекин Тўланбойнинг юзкўзида заррача ҳорғинлик аломати сезилмасди. У соқолини қиртишлашга ҳам улгурганди. Ҳамишагидай хушчақчақ эди.

Биз дала айланмоқчи бўлиб, йўлга тушдик.

Тўланбой Охуновнинг суяги собиқ «Сельхозтехника»да қотган. Ҳозир бу корхона Избоскан тумани давлат машина-трактор парки акциядорлик жамияти, дейилади. Тўланбой — директор. Унинг ташкилотига иши тушмайдиган хўжаликнинг ўзи йўқ. Тўғрироғи, ҳамма жойда уларнинг техникаси бор. Қаерда бирон трактор ё комбайн бузилиб қолса, ўша ерга етиб боради мутахассислар. Уларнинг ҳар бири тумандаги хўжаликларнинг раису бригадирларининг номларини, уларга қарашли ерларни ёд билади.

У йўл-йўлакай менга унчалик таниш бўлмаган техника номларини айтиб, ўз ишларини суюнчилаб борди:

— Ер ҳайдашга ўн битта «Магнум»имиз, дон ўргани саккизта «Кейс»имиз бор. Бу йил хўжаликларга қирқ учта «ТТЗ-100» (чопиқ трактори) олиб бердик. Яна иккита «Кейс» олсак, кейинги йили туманда ғаллани ўриб-янчиш муаммоси юз фоиз ҳал этилади — ҳосилни ўн беш кунда йиғиштириб оладиган бўламиз...

## ТЕРИМЧИ-БИЗНЕСМЕНЛАР ОИЛАСИ

Тўланбойнинг хизмат машинаси — Асака тулпори, япроқранг «Нексия» ҳаш-паш дегунча Тўрткўл, Янгиқишлоқ орқали «Пойтуғ» жамоа хўжалигининг «Сарой» деб аталувчи марказий пахта хирмонига етказди. Тўланбой боядан бери «опа-опа», деб тилдан қўймаётган раиса шу ерда экан. У бир вақтлар «Чўнгбоғиш» жамоа хўжалиги раиси сифатида довруқ қозонган бўлиб, мен у ҳақида «Саодат» журналида очерк ёзган эдим. Ўша йиллар воқеаларини эслашдик.

Тўланбой ёши ўзидан улуғроқ бўлгани учунгина уни «опа» дерди. Аслида чакка сочларига эндигина биттаяримта улуғворлик бағишловчи оқ оралаган Муътабархоннинг шаҳди-шижоати, мақсадни дадил ва аниқ ифодалаб гапиришлари, ўзига ишонч ва ўзгаларга хуш кайфият инъом этувчи табассумлари ўша-ўша эди.

У бошчилик қилаётган хўжаликнинг етти юз тўққиз гектар пахта майдони бўлиб, 32,6 центнерлик марра аллақачон эгалланган эди. Бу юқори ҳосил, албатта. Пахта-йиғим теримида рекорд қўйганлар ҳам мана шу хўжаликда экан. Беш кунлик ведомостга қўл қўяётган бир оиланинг ўн олти минг сўм олганини кўриб, раиса аввалига ишонмабди, кейин сидқидилдан суюнибди.

— Уларнинг ўзи бор-йўғи уч киши, холос, — дейди Муътабархон бу ўзига хос рекордни шарҳлаб. — Шарифахон Матёқубованинг ўзи, ўғли Ҳусанбой, келини Шоирахон. Улар ҳар куни 800-900 килодан пахта теришаркан. Қизиқиб қолиб, суриштирдим. Аниқласам, ерга ёруғ тушмай далага чиқишаркан. Яна бир томони, энг тоза пахта берадиганлар ҳам ўша оилавий пудратчилар.

— Тўғри айтасиз, — маъқуллади ёнимиздаги йигит, — улар ўзи ажойиб одамлар экан. Ярим гектар ерга соя ҳам экишган, энг тоза соя ҳам шуларники.

Луқма ташлаган йигит Андижон ёғ-мой комбинати ҳамда Асака ёғ-экстракция заводи вакили — Андижон ёғ-мой комбинати қошидаги деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Носиржон Солижонов эди. Улар «Пойтуғ» жамоа хўжалигидан 180 гектар ерни ижарага олишиб, соя экишибди.

— Соянинг етилиши ҳам айни ғўзанинг парвариши билан пишиши вақтига тўғри келади, шунинг учун бу соҳани ривожлантириш қийин бўлаяпти, — дейди Носиржон. — Пахтадан бошқасини иккинчи, учинчи даражали иш, деб биладиган раислар соягa сув ва техника бергиси келмай, худди ўгай онадай муомала қилишади. Опага раҳмат, бизга жуда яхши ёрдам кўрсатди. Ҳосилимиз яхши. Энди сиз сояни ўрдиришга ёрдам берасиз, — Носиржон Тўланбойга юзланиб, сўзида давом этди. — Янаги йили бир ярим минг гектар ерга соя экишни ният қилиб турибмиз. Вилоятимизда йилдан-йилга дон ва бошқа зарур экинлар ҳисобига пахта майдони қисқариб бораяпти. Бу чигит камаяди, деган сўз. Чигитнинг камайгани — қозонни жизиллатадиган ёғнинг озайгани. Лекин чигитдан 17-18 фоиз ёғ чиқса, соядан 30 фоизгача ёғ олинади. Ҳозир пахта ёғи билан соя ёғини омихта қилиб, «Ўзбегим» деган ёғ ишлаб чиқарилаяпти. Янги технологиялар кўпайса яхши-да. Бунинг учун опага ўхшаган кенг тушунчали, узоқни кўрадиган, халқнинг ғамини ейдиган раҳбарлар кўпайиши керак...

## ТАБАРРУК СУЛОЛА

Пахта тайёрлаш режасини аллақачон бажариб қўйган яна бир хўжалик — Абдусамат Тиллабоев номли жамоа далалари томон йўл олдик. Бир ёнда шиғил кўсакли дуркун ғўзалар, бир ёнда бошоқлари бир-бирига суяниб, ёнбошлаб қолган шолизорлар оралаб бораётган эдик, кутилмаганда қизғиш пояли гречка пайкалига кўзим тушиб қолди.

Шу баҳона, хўжалик раиси Алишер Тиллабоевнинг тадбиркорлиги, юртпарварлиги, бу фазилатлар унга падари бузрукворидан юққанлиги, ўғил отанинг ўгитларини дилида маҳкам тутганича, унинг касбини давом эттираётганлиги ҳақида суҳбатлашиб кетдик. Гап Тўланбойнинг дадаси ва бобосига бориб тақалди.

Тўланбойни болалигида бошини кўп силаган одам — бобоси Охунали Йўлчиев эди. Абдусамат Тиллабоев ҳам уни устоз деб биларди. Умри ҳали у, ҳали бу хўжаликка раислик қилиш билан ўтган бобонинг тўнғич ўғли у «Бирлик» жамоа хўжалигида раис пайтида, пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилган куни туғилган эди. Туман раҳбари Сафар Қосимов раисни қўшалоқ байрам билан табриклаб, ўғлига юртни обод қиладиган инсон бўлсин, деб Ободбек деган исм қўйиб берган экан. Дарҳақиқат, Ободбек Охунов ота изидан бориб, аввал Дашт деб аталган жойда муқим ўрнашди, узоқ йиллар пахтачилик бригадири бўлди, маҳалланинг ободлашувига баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Обод ака ўғиллари ҳам бобоси ва ота йўлини танлашганидан хурсанд. Ҳозир нафақада бўлган бу бағри дарё одам Тўланбой Охунов қурдириб берган шийпонда пахта майдончаларини, кузатиб ўтиради, ўғлига йўл-йўриқ кўрсатади:

— Бобонг раҳматли «шоли сувда бўлади, пахта — чўлда», дер эди. Бу ғўзани қўллатмасдан, захлатмасдан, оби-тобида суғориш керак, дегани.

Отанинг йўриғига юрган фарзанд кам бўлмайди. Ғўзани қўшқатор экиб, бир гектар ерда 160 минг кўчат етиштирган Абдусамат Охунов бошлиқ бригада пахтакорлари биринчи теримдаёқ режани бажаришди, 120 фоиз пахтани биринчи навга сотиб, 5 миллион сўмга яқин даромад қилишди.

## ИСМИ-ЖИСМИГА МОНАНД ЖАМОА

Тўланбой энди «Андижон» жамоа хўжалигига борамиз, дейиши билан кўнглимда ёқимли туйғулар уйғонди.

Бу ном билан аталувчи хўжаликка юзи ҳамиша кулиб турадиган, истараси иссиқ инсон — Шаҳобиддин Ҳозирқулов раислик қилади. У билан эндигина шудгорланиб, пўрсилдоқ тупроқ ҳиди анқиб турган пайкал бошида учрашдик.

— Бу ерларниям бизнинг «Магнум»имиз ҳайдаган. Умуман, ҳокимимизнинг топшириғига кўра, ноябр ойига қадар 5 минг гектар ернинг пуштасини олиб, баҳорги экишга тахт қилиб қўйишимиз керак, — деди Тўланбой.

«Андижон» жамоа хўжалигининг ибратли, фарқли томони шунда эдики, у кунига бошқалардан кўра кўп пахта топшираётганди: шу куни заводга 2,23 фоиз хомашё сотилибди.

## «МИЛЛИАРДЕР» ХЎЖАЛИК

Улуғнор тумани ҳудудида Избоскан туманининг ҳам 330 гектар ери бор. Шундан 19 гектари «Чўнгбоғиш» хўжалигига тегишли. Неъматжон Ҳамдамов бошчилигидаги хўжалик аъзолари пахта сотиш режасини бир ойда — 2 октябр куниёқ бажаришди. Ҳозиргача топширилган пахта 1140 тоннадан ошиб кетди. Мўлжал — ҳосилдорликни 40 центнерга, режани 120 фоизга етказиш.

— Чунки ҳали далада кўсак кўп, — дейди раис, — омадимиз чопиб, уруғни эрта экдик, ишловлар вақтида бўлди, сув, ўғит меъёрида берилди. Натижада 50 миллион сўмлик пахта сотдик, унинг 602 тоннаси уруғлик. Бу йил дон ҳам яхши бўлди, 308 гектар ердан 75,1 центнердан буғдой топшириб, вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва икки юз минг сўм пул мукофотини олдик. Ҳозир омборимизда 113 тонна буғдой, олтмиш тонна ун, икки тонна оқёғ бор. Боғнинг ўзидан ҳам бир миллион сўм даромад қилганмиз. Ҳали 15 гектар пайкалда шолимиз турибди...

— «Миллиардер» бўп кетибсизлар-ку, одамларнинг ҳақ олиши қандай бўлаяпти? — деб сўрадим.

— Меҳнат қилган ҳақ оляпти, кам бўлмаётир. Иш ҳақидан қарзимиз йўқ. Бу йил, Худо хоҳласа, ҳамма хўжаликлар ҳам фойда билан чиқади. Умуман, туманимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари яхши бўлади. Ҳозиргача деҳқонларимизнинг омборлари донга тўлди. Буғдой кирмаган хонадон қолмади. Шолиниям армонсиз экишди.

Раис ҳақ гапни айтди. Бултур шоли кам экилгани учун, гуручнинг баҳоси осмонга чиқиб кетувди. Мана, шоли пишиб, обжувозга тушди-ю, гуруч нархи кундан-кунга пасая бошлади.

Ҳа, халқнинг кўнглини хотиржам қиладиган нарсалар: ун, гуруч, ёғ. Шулар мўл бўлса, арзон бўлса — эл-юртнинг фаровонлиги ва маъмурлиги шу. Палов еган одамнинг юзидан қизиллигу, чеҳрасидан табассум аримайди. Энг муҳими, жамоа хўжалиги бой бўлса, шу ернинг халқи, албатта, бой бўлади. Бой бўлишнинг шарти эса сидқидилдан меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан иш юритишдир. Шу нарсаларга эришган раҳбарнинг хўжалиги илғор бўлади, илғорликнинг эса обрў-эътибордан ташқари моддий имтиёзлари, имкониятлари ҳам кўп. Тумандаги «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон», Нишон Жўраев номли, «Урганжи», «Гуркиров», «Янги ҳаёт» каби хўжаликлари ана шундай илғорлар қаторида.

Халқ эса ўзининг турмуш шароити, қозонида нима қайнаётгани билан қизиқиб, унинг қалбига йўл топишга ҳаракат қиладиган раҳбарларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган.

**Қамчибек КЕНЖА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлимининг бошлиғи.**

